



Куч-АДОЛАТДА

2012 йил,
15 декабрь,
шанба
№ 49-50 (407)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.oliysud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

2013 йил — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Ўтган ҳафтада мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиб берган Конституциямизнинг 20 йиллиги кенг нишонланди.

Айтиш жоизки, халқимиз эришган барча ютуқ ва унинг улкан суръатлар билан ўсиши, аввало, Конституциямизнинг ҳаётбахш қудрати ва салоҳиятини, унда мужассам бўлган принциплар, қоида ва меъёрларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустаҳкам асосга эга эканини яққол намойиш этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг йигирма йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтган тантанали маросимда ҳам бу хусусиятлар алоҳида эътироф этилди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, мамлакатимизда фаолият қўриётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов мазкур тантанали маросимда маъруза қилиб, мақсадларимизга эришишда

Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган тамойил ва нормалар, шунингдек, биз танлаган ва бугун дунёда эътироф этилган «Ўзбек модели» деб ном олган тараққиёт модели мужассам топганини алоҳида таъкидлади. Ҳар бир юртдошимиз, бутун халқимиз ҳаётидаги барча ўзгариш ва янгиланишлар, мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан дадил ривожланиб бораётгани Асосий қонунимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқий асосларга қатъий амал қилиб келаётганимизнинг самарасидир.

Маълумки, мамлакатимизда 2012 йил — Мустаҳкам ои-


ла йили деб ном олган эди. Шу асосда азал-азалдан ҳаётимизнинг таянчи бўлиб келган, жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўлини бўлмиш оила институтини янада ривожлантиришга қаратилган кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди.

Шу муносабат билан қабул қилинган давлат дастури асосида оила институтини мустаҳкамлаш билан боғлиқ қонунчилик ва ҳуқуқий база янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Оила, биринчи навбатда, ёш оилаларга ғамхўрликни



ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ



қулайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш каби ўта муҳим масалалар диққат марказида бўлди. Ана шу мақсадда «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳуқуқ қарори қабул қилинди. Шу асосда ёш оилалар учун 2012-2013 йилларда ҳар бири 48 та квартирага эга бўлган 100 та кўпқаватли уй қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

2012 йилнинг ўзига 2 минг 400 та квартира фойдаланишга топширилган бўлса, келгуси йилда яна шунча квартира қурилади. Ана шундай уйлари сотиб олишда қулай имконият яратиш учун минглаб ёш оилаларга 15 йил муддатга мўлжалланган 210 миллиард сўмга яқин имтиёзли ипотека кредитлари берилди.

Оилаларнинг фаровонлигини ва даромад манбаларини ошириш учун тижорат банклари томонидан қарийб 80 миллиард сўмга яқин,

касб-хунар коллежлари биттирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун эса салкам 47 миллиард сўм миқдорда микрокредитлар ажратилгани ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Мазкур банклар томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган махсулотлар, хусусан, мебель, маиший техника ва бошқа уй-рўзгор буюмларини харид қилиш учун 71 миллиард сўмдан зиёд истеъмол кредитлари ажра-

тилгани ёш оилаларнинг рўзгорини обод қилишда катта мадад бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.

Қишлоқларда маиший хизмат кўрсатиш билан шугулланётган яқка тартибдаги тadbиркорларнинг уч йил муддатга солиқлардан озод этилгани 40 мингга яқин иш ўрнини ташкил этишга имкон берди.

2012 йилда яна бир долзарб вазифа — аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига устувор аҳамият қаратилди. Бу борада кичик кор-

хона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобидан хотин-қизлар учун 204 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Йил давомида 107 мингдан ортиқ ёшлар ишга жойлаштирилгани, 19 минг нафардан зиёд ишсиз ёшлар зарур касбларга тайёрлангани, 52 минг нафар йигит-қиз эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилгани биз учун ўта муҳим бўлган бандлик масаласини ечишда яна бир жиддий қадам бўлди.

(Давоми иккинчи бетда)

Xabar

Олий суд Пленуми мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев бошқарган мажлисда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда изчиллик билан амалга ошири-

лаётган демократик ислохотлар қонун устуворлигини таъминлаш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини изчил ҳимоялашга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидланди. Янги



2013 йил — Обод турмуш йилида инсон, унинг ҳуқуқлари, манфаат ва эркинликларини муҳофаза этиш ишлари кўламини яна-

да кенгайтириш шубҳасиз.

Мамлакатимиздаги барча ислохот ва янгиланишларнинг ҳуқуқий асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари тўлиқ акс этган. Ушбу кафолатларга кўра, жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди.

Пленум йиғилишида муҳокама этилган «Жиноят ишлари бўйича ашъвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги Олий суд Пленуми қарори лойиҳаси ҳам шу мақсадда ишлаб чиқилган.

(Давоми учинчи бетда)

Qaror va ijro

Бағрикенгликнинг юксак намунаси

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини юксак даражада ҳимоя қилиш тизimini яратилди. Қонунчилигимизда инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилиб, халқимизга хос бағрикенглик ва кечиримлик тамойиллари ҳам ўз ифодасини топгани шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов тақдирномасига биноан шу йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигини йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори қабул қилини-

ши инсонпарварлик тамойилининг амалдаги яна бир ифодаси бўлди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармасида мазкур қарор ижросига бағишланган йиғилишда шулар ҳақида гап борди.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз фаровон бўлади, деган эзгу мақсад йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида қишлоқ инфратузилмасини такомиллаштириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Islahot va samara

Замонавий уй-жойлар кўпаймоқда

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилиб, аҳолига имтиёзли ипотека кредитлари асосида берилиши қишлоқларимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириш, халқимиз турмуш маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Самарқанд вилоятда ҳам бугунги кунда ана шундай замонавий қишлоқлар кўпайиб

бормоқда. Давлатимиз раҳбари қарори асосида 2009 йилда вилоятнинг учта туманида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилган бўлса, кейинчалик бундай қурилиш-бунёдкорлик ишлари барча туманларни қамраб олди. Бунинг натижасида ҳозирда Пастдарғом туманидаги Кашшоф, Оқдарёдаги Қирқдархон, Нарпайдаги Ногоракхона, Самарқанд туманидаги Янгиарик, Ургутдаги Камангарон ва Қинғир, Тайлоқ туманидаги Маданият ва Ворсин қишлоқлари замонавий аҳоли масканларига айланди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Миллий матбуот марказида Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 24 октябрдаги тегишли қарорига мувофиқ ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил қилиш масалалари муҳокама этилди.

Vatan himoyasi — muqaddas burch

Қуролли кучлар ва жамоатчилик назорати



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ташкил этилган ушбу тadbирда вазирлик, идора ва муассасаларнинг масъул ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий-ватанпарварлик мавзусини ёритадиган журналистлар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 24 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида»ги қароридан мазкур

кенгаш демократик ислохотларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва Мудофаа вазирлиги фаолиятининг очиқ-ошкоралигини, фуқароларнинг мудофаа соҳаси ҳамда ҳарбий йўналишда амалга оширилаётган давлат сиёсатидаги иштирокини таъминлашга хизмат қилиши, ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириши, армия сафларида хизмат қилаётган ва ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиши алоҳида белгиланган.

(Давоми иккинчи бетда)

Vatan himoyasi — muqaddas burch

Қуроли кучлар ва жамоатчилик назорати

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, халқ шоири Иқбол Мирзо, Ўзбекистон Журналистлари иходий уюشمаси раиси Шерзод Гуломов ва бошқалар кенгашнинг мақсад ҳақида вазифалари, унинг ташкилий жиҳатлари ҳусуида батафсил ахборот берди.

Кенгаш ўз таркибиде 28 нафар аъзони бирлаштиргани қайд этилди. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ижодкорлар, маданият ҳақида санъат намояндалари, олимлар бор. Жамоат кенгаши низомининг мақсад ҳақида вазифаларидан келиб чиқиб, беш йўналиш бўйича комиссиялар ташкил этилди.

Масалан, комиссиялардан бири мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасига оид масалалар юзасидан жамоатчилик томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар мониторингини олиб боради ва чуқур таҳлил қилади, бунинг асосида соҳани такомиллаштириш бўйича тақлиф ва тавсияларни тақдим этади. Яна бир комиссия соҳага

тааллуқли айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни жамоатчилик экспертизасидан ўтказди. Учинчи комиссия эса, ҳарбий хизматчилар ва захирга бўшатилган фуқароларни, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланади. Тўртинчи ва бешинчи комиссиялар маънавий-маърифий, ҳарбий-спорт тадбирларини ташкил қилиш, оммавий ахборот воситаларида мамлакатимиз Қуроли Кучларида амалга оширилаётган ислохотлар самараларини кенг ёритиш, миллий армиямиз обрў-эътиборини янада юксалтириш борасидаги ишларни амалга оширади.

Тадбирда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг кейинги йилга мўлжалланган фаолияти режалари ҳақида ҳам маълумот берилди. Мамлакатимизда ҳар йили 14 январда кенг нишонланган Ватан ҳимоятчилари кунини муносиб кутиб олиш шундай тадбирлардан биридир.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Сардор ТОЖИЕВ, *ЎзА мухбири*

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Умуман, Дастур доирасида барча молиявий манбалар ҳисобидан 2 триллион сўмдан ортиқ ҳамда 100 миллион АҚШ долларида зийд маблағ сарфланган.

Келаётган 2013 йилда ҳам юртимизда ана шундай анъаналар давом эттирилади. Давлатимиз раҳбари томонидан янги йилга «Обод турмуш йили» деб ном берилгани ана шу йўналишда бошланган ишларни изчил давом эттириш, уларни янги, юксак бошқича кўтаришга замин ҳозирлади.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, обод деганда, халқимиз, миллитимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, уммавий ахборот воситаларида мамлакатимиз Қуроли Кучларида амалга оширилаётган ислохотлар самараларини кенг ёритиш, миллий армиямиз обрў-эътиборини янада юксалтириш борасидаги ишларни амалга оширади.



2013-йил — Obod turmush yili

Тараққиёт ва фаровонлик йўлидаги муҳим қадам

яшашни тасаввур қилади. Ҳаётимизни обод қилишни ана шу йўналишда бошланган ишларни изчил давом эттириш, уларни янги, юксак бошқича кўтаришга замин ҳозирлади.


Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, обод деганда, халқимиз, миллитимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, уммавий ахборот воситаларида мамлакатимиз Қуроли Кучларида амалга оширилаётган ислохотлар самараларини кенг ёритиш, миллий армиямиз обрў-эътиборини янада юксалтириш борасидаги ишларни амалга оширади.

ида бўлган ўттиздан кўпроқ ижтимоий-иқтисодий вазирлиги самарали бажармоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 9 июлда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мазкур соҳада хизмат қилаётган ходимларнинг меҳнатини, ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, оила институтини кўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятимизда барқарорлик ва тотувлигини таъминлашдаги ҳиссасини муносиб рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг изчил ҳаётга татбиқи этилиши натижасида маҳаллаларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора мустаҳкамланаётган. Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари илгари давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ваколатидан бўлиб келган кўпроқ ижтимоий-иқтисодий вазирлиги самарали бажармоқда.

Президентимиз 2013 йилни обод турмуш йили деб эълон қиларкан, ушбу эзгу гоини рўёбга чиқаришда маҳаллаларнинг ўрни ва нуфузини янада кучайтиришни таъкидлагани бизни фойат қувонтирди, — дейди Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги «Кўкча Октепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собит Имомов. — Бу



мамлакатимизда маҳалла ва оила институтларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлади.

Ушбу ислохотлар самаралари мазкур маҳалладаги озода ва файзли хонадонда маҳаллаларнинг фаровон ҳаётида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Қарийб ўн бир мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган маҳаллада жамоатчилик фаолиятининг ҳар бир йўналиши тизимли ташкил этилган. Эл орасида

обрў-эътибор қозongan маслаҳатчилар, фаол аёллар, посбонлар, комиссиялар расислари, ташаббускор ёшлар ҳамкорлигида иш олиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, халқимиз обод турмуш йилига улкан ютуқлар билан қадам қўяр экан, янги йилда амалга ошириладиган мақсад ва интилишларимиз унданда салмоқли. Бу йилда юртдошларимизга куч-қувват, омонлик, собитқадамлик доим йўлдош бўлсин!

Муаттархон РЎЗИБОВА

Qaror va ijro

Бағрикенгликнинг юксак намунаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари А.Шодиев, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси С.Ортиқова, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Х.Ҳалимов ва бошқалар мамлакатимизда барча соҳаларда, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, аввало, инсон манфаатларини таъминлашга, инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва бағрикенглик тамойилларини мустаҳкам қарор топтиришга хизмат қилаётганини таъкидлашди.

Эркин фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамлакатимизда улғу байрамларимиз арафасида амнистия актининг қабул қилинаётгани бунинг яна бир амалий ифодасидир. Чунки билиб-билмай жиноят содир этган ва жазога тортилган, лекин кейинчалик хатосини тушуниб етган кўплаб шахслар шу асосда оиласи бағрига қайтди. Бундай бағрикенгликдан баҳраманд бўлган кишилар кўпинча қайта жиноятга қўл урмасликка, ҳалол меҳнат билан жамият раънақига ҳисса қўшишга ҳаракат қилади.

минтақавий вакилларида инборат ишчи гуруҳлари тузилган. Амнистияни қўллаш жараёни устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш институтининг шакллантирилгани мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан нодавлат ташкилотларининг роли ва таъсири тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Маҳалла» жамоат фонди масъул ходимлари, суд, прокуратура ва ички ишлар тизимидаги тегишли хизматлар раҳбарлари, жазони ижро этиш муассасаларининг бошлиқлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган йиғилишда мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда зарур ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни ўз вақтида амалга ошириши зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда жазони ижро этиш жойларидан қайтиш кутिलाётган шахсларнинг жамиятга мослашишига кўмаклашиш, уларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни рўёбга чиқаришга оид вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, улар тулиқ ҳисобга олинини, ишга жойлаштирилиши зарур. Ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйларида жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналари, ҳомийлик ва васийлик органлари назоратига топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юбориш лозим. Шу боис ҳар бир мутасадди идора, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари қарор ижросининг тўлақонли таъминлишида масъулиятни ҳис қилган ҳолда ёндашиши мақсадга мувофиқ.

Н.АБДУРАИМОВА

Qonun ko'magi

Инсон манфаатлари — доимий муҳофазада

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳар бир инсоннинг фаровон ҳаёт кечиршини таъминлашга қаратилган. Бунинг ҳуқуқий асослари, энг аввало, бош Қомусимизда ўз ифодасини топган. Унда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллиги, давлат фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаши мустаҳкамлаб қўйилган.



Айтиш керакки, адлия идоралари ҳам инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар ўз вақтида кўриб чиқилмоқда. Хусусан, Самарқанд халқаро ва давлат

аҳамиятидаги автомобиль йўллари сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси ишчиси Н.Жаббаров иш ҳақи ва маънавий зарарини ундиришда ёрдам бериши сўраб мурожаат қилган. Адлия бошқарма-

си томонидан унинг манфаатини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судига даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилди.

Шунингдек, Пахтачи туманида-

ги 43-умумтаълим мактаби ходими М.Кенжаевнинг мактаб директорининг буйруғи юзасидан адлия бошқармасига ёзган аризаси ҳам ўрганиб чиқилди. Шундан сўнг Пахтачи тумани прокуратурасига мактаб директорининг буйруғи бекор қилиш юзасидан протест киритиш тўғрисида тақлиф юборилди. Туман прокуратураси томонидан киритилган протестга кўра, мактаб директорининг буйруғи амалдаги меҳнат қонунчилиги талабига мувофиқлаштирилди.

Бундан ташқари Иштихон тумани «Агросервис фермерлар маркази» ходими Ш.Сайдирашудовнинг мурожаати ҳам атрофчи қарийб қилиб, унинг манфаатини кўзлаб жавобгар Иштихон тумани «Агросервис фермерлар маркази»га нисбатан жами 4 миллион 569 минг 325 сўмни ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Буларнинг барчаси юртимизда инсон манфаатлари қаноатлантириладигани ва амалда самарали таъминланаётганини кўрсатади

Жонибек АМИНОВ, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Авало шунинг қайд этиш керакки, амалдаги фуқаролик қонунчилигида қарз муносабатларига ҳам алоҳида ўрин берилган.

Жумладан, Фуқаролик кодексининг 732-моддасида «Қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафи (қарз олувчи) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса, қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, шунанг суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади» дея қайд этилган.

Қарз шартномаси шартига кўра, қайтамга эга олинган нарса шартномада кўрсатилган вақтда қайтарилиши зарур. Агар қайтариш муддати шартномада кўрсатилмаган бўлса, қарз қарзни берувчи талаб қилган вақтда қайтарилиши лозим.

Қонун талабига мувофиқ, қарз шартномаси иштирокчилари муомала лаёқатига эга бўлиши керак. Бинобарин, қарз шартномаси иштирокчилари фуқаролар ва юридик шахслар бўлиши мумкин. Башарти фуқаролар ўртасида тузилган қарз шартномасининг миқдори энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши шарт. Шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлса, қарз суммасидан қатъи назар, шартнома ёзма шаклда тузилади. Қарз шартномасини ёзма шаклда тузмаслик унинг ҳақиқий эмас, деб топилишига олиб келади.

Агар қарз олувчининг тилга хати ёки унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёхуд маълум миқдордаги ашёлар топширилганлигини таъкидлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади. Шунингдек, қарз мажбурияти

қарз олувчи томонидан берилган облигация ёки қарз суммасини ва қарз берувчининг уни ундириб олиш ҳуқуқини белгиладиган бошқа қимматли қоғоз билан таъдиқланган бўлса, қарз шартномасининг ёзма шаклига риоя қилинганини билдиради.

Қонунда ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи (юридик шахс ёки фуқаро) қарз олувчидан қарз шартномасига шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлади. Агар қарз шартномаси бўйича қарз олувчига турга хос аломатлари билан белгиланган ашёлар топширилса, уларнинг миқдори ва шакли (пул ёки натура ҳолидаги) шартномада қўзда тутилган ҳолларда фоизлар тўлиниши керак. Фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари шартномада белгиланмаган бўлса, асосий қарз шартномаси назарда тутилган тартибда ва муддатларда тўланади.

Қонун талабига кўра, қарз олувчи олган қарз суммаси-

Huquq va majburiyat

Қарз

ни қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда эгасига қайтариши шарт. Борди-ю, шартномада қайтариш муддати белгиланмаган бўлса, қарз олувчи уни қарз берувчи қарзини қайтариш ҳақида талаб қўйган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида қайтариши зарур. Фоизсиз қарз суммаси қарз олувчи томонидан муддатидан олдин қайтарилиши қонунда кўзда тутилган. Фоиз эвазига берилган қарз суммаси агар қарз шартномасида қайд этилган бўлса ёки қарз берувчининг розилиги билан муддатидан олдин қайтарилиши ҳам мумкин.

Қонун ҳужжатларида ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарз суммасини вақтида қайтар-

маган ҳолларда Фуқаролик кодексининг 734-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган фоизлар тўланган бўлишидан қатъи назар, қарз қайтариб берилиши керак бўлган кундан бошлаб то у қарз берувчига қайтарилган қулгача ушбу сумма юзасидан Фуқаролик кодексининг 327-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган миқдорда фоизлар тўланиши керак. Қарз шартномасида қарзни бўлиб-бўлиб қайтариш кўзда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзининг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзининг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтариши талаб қилишга ҳақиқи.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалда таъминлаш, бу борада қонуний асосларни изчилик билан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Huquq va majburiyat

Ярашув — юксак инсоний фазилат



та бўлмаган жиноий қилмишни содир этган шахс айбига иқроор бўлиб, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берса, жиноий жавобгарликка тортилмайди. Мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда халқимизнинг бағрикенглик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчилик билан кенгайиб боришига асос бўлмоқда. Бугунги кунда 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти назарда тутилгани ҳам бу фикрнинг тасдиқлайди.

Эътиборли жиҳати шундаки, ярашув тўғрисидаги ишларни юретишда қисқа муддатда тарафлар ўртасидаги низо бартараф этилади ва ортқча сарф-харажатнинг олди олинади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи жиноий жавобгарликдан озод қилиниб, «судланган» деган тамгадан халос бўлади. Масалан, Қувасой шаҳрида яшовчи М.Отажонов 2012 йил 18 август куни ўзининг бошқарувидаги «Матиз» русумли транспорт воситасида «Фаргона-

дан тугатди. Шу ўринда иккинчи мисолга эътибор қаратсак, Қувасой туманидаги Полмон қишлоғида яшовчи Д.Қосимов 2012 йил 6 август куни укаси С.Қосимовни А.Нишонбоев урганлиги учун жаҳл устида унинг уйига боради. Сўнг у билан ўзаро жанжаллашиб, А.Нишонбоевни юз қисмига уриб, енгил тан жараҳати етказди.

Тергов идораси томонлар дастлабки тергов жараёнида ярашмаганликларни сабабли С.Қосимов Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисми билан айбланиб, жиноят иши мазмунан кўриб чиқиш учун судга юборилган. Мазкур жиноят иши суд томонидан 2012 йил 20 сентябрь куни мазмунан кўриб чиқилиб, томонларга ярашувнинг моҳияти ва мазмуни тушунтириб берилди. Судланувчининг қилмишидан пушаймон бўлиб, жабрланувчидан кечирим сўраганлиги ҳамда етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаганлиги натижасида суд жараёнида жиноят иши ярашув асосида ҳаракатдан тугатилди.


Хулоса қилиб айтганда, ярашув институти бағрикенглик ифодаси бўлиб, амалда инсон манфаатларига хизмат қилмоқда.

Айтиш керакки, энергия таъминоти — иқтисодий ва ривожлантиришнинг зарур воситаларидан биридир. Чунки ҳозирги кунда техника ва технологиялар шундай тараққий этдики, улардан фойдаланишда электр энергияси муҳим ўрин тутади.

Huquq va majburiyat

Зиммамиздаги бурч

уни ўз вақтида адо этиш ҳам қарз, ҳам фарз



Айтиш керакки, энергия таъминоти — иқтисодий ва ривожлантиришнинг зарур воситаларидан биридир. Чунки ҳозирги кунда техника ва технологиялар шундай тараққий этдики, улардан фойдаланишда электр энергияси муҳим ўрин тутади.

Айнан ана шундай шароитда истеъмолчиларга энергия етказиб беришни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатга эҳтиёж туғилади. Бу энергия таъминоти шартномаси бўлиб, унга кўра, энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали истеъмолчига энергия бериб туриш мажбуриятини ўз зиммасига олади, истеъмолчи эса, қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек, шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасаруфидоғи энергетика шохобчаларидан фойдаланиш ҳафсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Таъкидлаш жоизки, энергия таъминоти шартномаси бўйича тарафлар томонидан шартномада белгиланган мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда улар учун муайян мулквий ёки маъмурий жавобгарлик келиб чиқади.

Бу тоифадаги ишлар фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан тарафлар ўртасида низо бўлмаган тақдирда буйруқ тартибиде, агарда мавжуд қарздорликлар бўйича низо бўлса, давво тартибиде кўриб чиқилди. Айтиш керакки, бундай давволар бўйича мурожаат қилинганда давлат божи тўлаш талаб қилинмайди, балки давволар қаноатлантирилганда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги «Давлат божи ставкалари ҳақида»ги қарори 1-

қисми «а» банди талабига мувофиқ жавобгар ҳисобидан ундирилади. Масалан, «Навоий электр тармоқлари корхонаси» очик акциядорлик жамияти ва Навоий шаҳрида яшовчи В.Антонов ўртасида энергия таъминоти тўғрисида шартнома тузилган. Гарчи истеъмолчи энергиядан фойдаланган бўлса-да, унинг ҳақини ўз вақтида тўламаган. Натижада 2012 йилнинг 10 май ҳолатига кўра, унинг қарздорлиги 1 миллион 107 минг 697 сўмни ташкил этган.

Бундан ташқари В.Антонов қарздорлики бартараф этиш тўғрисида ўз вақтида оғохлантирилган бўлишига қарамай фойдаланилган электр энергия тўловини амалга оширмаган. Шундан сўнг «Навоий электр тармоқлари корхонаси» очик акциядорлик жамияти фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг суд буйруғига асосан қарздор В.Антоновдан ундирувчи қарз суммаси ва 55 минг 385 сўм давлат божи ундирилган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир истеъмолчи, у жисмоний шахс ёки юридик шахс бўладими, тузилган энергия таъминоти шартномаси бўйича ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни лозим даражада бажариши шарт. Бу энергия таъминоти-нинг узлуксиз ишлаши, аҳоли манфаатлари, жамият равнақига хизмат қилади.

Б.ЖУМАЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг судьяси

Xabar

Олий суд Пленуми мажлиси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрда қабул қилинган «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорининг мантиқий давоми бўлиб, ҳар иккала қарор ҳам жиноят процессида қонунийликни таъминлаш ва иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга қаратилган. Чунки ашъвий далиллар жиноят ишида шахснинг айбини тасдиқловчи ёки унинг айбисиз-



лигини исбот этувчи воситалардандир. Шу боис жиноят процессида далиллар энг зарур ва мураккаб масала сифатида ўрин тутади. Ашъвий далиллар тушунча-

си ҳуқуқ назариясида пухта белгиланган бўлса-да, ушбу тушунчанинг айрим жиҳатлари юзасидан назарияда ҳам, амалиётда ҳам турлича мунозаралар йўқ эмас. Шу сабабли, Пленум қарори лойиҳасида дастлабки тергов ва суд амалиётида ашъвий далиллар билан боғлиқ ҳолда учрайдиган хато ва камчиликлар ечимини ёритиб бериш хусусида тегишли тушунтиришлар берилган. Улар жиноят ишларини юретиш чоғида қонунийликка қатъий амал қилиш, адолатли қарор қабул қилишда ўз самарасини беради. Натижа-

да шахс ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланади, уларнинг мулкка бўлган ҳуқуқи кафолати янада мустаҳкамланади.

Мазкур қарор мазмун-моҳияти билан қонунларни амалда бир хилда қўллаш, ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида судларга раҳбарий кўрсатмалар бериш, бир сўз билан айтганда, одил судлов сифати ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Пленумда кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Пленум мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бosh прокурори Р.Қодиров иштирок этди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири

Maslahat

Келишув битими

уни даввогар ва жавобгар ўртасида тузиш тартиби

Айтиш керакки, Фуқаролик процессуал кодексининг 330-моддасида даввогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даввогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув битими ҳақида фикр юритилган.

Унга кўра, апелляция шикоят берилган ёки протест келтирилгандан кейин даввогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даввогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув битими тузиши ёзма шаклда баён этилиб, апелляция инстанцияси судга топширилиши лозим. Агар ишни кўриш вақтида давво-

гар арз қилган талабларидан воз кечса, жавобгар арз қилинган талабларни тан олса ёки тарафлар келишув битими тузсалар, бу ҳақда суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади ва баённома-ни тегишлича даввогар, жавобгар

ёки ҳар икки тараф имзолайди. Суд давводан воз кечишни қабул қилишдан ёки келишув битимини тасдиқлашдан олдин даввогарга ёки тарафларга бундай процессуал ҳаракатларнинг оқибатларини тушунтиради.

Апелляция инстанция суди даввогарнинг арз қилган талабларидан воз кечишини қабул қилганида ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаганида чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилади ва иш юретишини тугатади.

Агар даввогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши ёки тарафларнинг келишув битими қонунга зид бўлса ёхуд бировнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига хилоф бўлса, суд воз кечишни рад қилиб ёки тузилган келишув битимини тасдиқламай, ишни апелляция тартибиде кўради.

Лазиз КОДИРКУЛОВ,
Олий суд катта консултанти

шартномаси

тарафлар зиммасига бирдек масъулият юклайди



Қарз олувчи қарз суммасининг қайтариб беришни таъминлаш юзасидан шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажармаса, шунингдек, қарзнинг таъминоти қарз берувчи жавобгар бўлмаган вазиятларда йўқотилса ёки унинг шартлари бузилса, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини муддатидан олдин қайтаришни ва тегишли фо-

изларни тўлашни талаб қилиши мумкин.

Шу ўринда бевосита ҳаётий мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, даввогар Н.Тўхтаева жавобгар А.Ҳайдаровага нисбатан қарзни ундириш тўғрисида судга давво аризаси билан мурожаат қилган. Айтиш керакки, Н.Тўхтаева А.Ҳайдарова билан аввалдан қайтаришни ва тегишли фо-

иониде А.Ҳайдарова Н.Тўхтаевадан 5 миллион сўм қарз олади. Орадан уч ой ўтиб, А.Ҳайдарова яна Н.Тўхтаевага учрашади-да, яна 15 миллион сўм қарз сўрайди.

Н.Тўхтаева А.Ҳайдарованинг гапига ишониб унга яна сўраган миқдорда қарз беради. Ўз навбатида, А.Ҳайдарова олган қарзлари ҳақида тилхат ёзиб беради. Қарзларни 2011 йилнинг 1 ноябр кунига қадар қайтаришга ваъда қилади. Бундан ташқари кейинчалик А.Ҳайдарова Н.Тўхтаевадан қурилши тугалланмаган савдо дўконини сотишни ваъда қилиб, яна 7 минг АҚШ долларини қайтариб бериш шарти билан олади.

Халқимизда «Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним» деган нақл бекорга айтилмаган. Орадан анча вақт ўтиб кетганига қарамай у ҳар хил баҳоналарни рўқча қилиб, Н.Тўхтаевага нисбатан қарзни ундириш тўғрисида судга давво аризаси билан мурожаат қилган. Давво аризада М.Ражабова 2010 йил 24 июл куни таниши Ф.Ибрагимовга 31 минг АҚШ долларини бир ой муддатга қарзга берганлигини, жавобгар бу тўғрисида тилхат ёзиб берса-да, турли хил баҳоналар билан қарзини қайтармай келган. Орадан анча вақт ўтиб кетганига баён қилиб, суддан ушбу маблағни ундириб беришни сўраган. Суд ушбу давво аризасини атрофлича кўриб чиқиб, давво талабининг қаноатлантирди. Яна бир мисол. 2009 йилнинг апрел-май ойларида А.Мансуровдан И.Неъматова 800 АҚШ долларини миллий валюта — сўмга нисбатан қийматда унди-

риб беришни сўраган.

Суд бу ишни атрофлича кўриб чиқиб, даввогарнинг давво аризасини қисман қаноатлантирди. Жавобгар А.Ҳайдаровадан даввогар Н.Тўхтаева фойдасига 20 миллион сўм қарзни ундириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шу ўринда иккинчи мисолга эътибор қаратсак, М.Ражабова жавобгарлар Ф.Ибрагимов ва Т.Ҳайитоваларга нисбатан қарзни ундириш тўғрисидаги давво аризаси билан судга мурожаат қилган. Давво аризада М.Ражабова 2010 йил 24 июл куни таниши Ф.Ибрагимовга 31 минг АҚШ долларини бир ой муддатга қарзга берганлигини, жавобгар бу тўғрисида тилхат ёзиб берса-да, турли хил баҳоналар билан қарзини қайтармай келган. Орадан анча вақт ўтиб кетганига баён қилиб, суддан ушбу маблағни ундириб беришни сўраган. Суд ушбу давво аризасини атрофлича кўриб чиқиб, давво талабининг қаноатлантирди. Яна бир мисол. 2009 йилнинг апрел-май ойларида А.Мансуровдан И.Неъматова 800 АҚШ долларини миллий валюта — сўмга нисбатан қийматда унди-

тармаган. Орадан уч йил ўтгач, шу йилнинг апрел ойида даввогар А.Мансуров жавобгар И.Неъматовадан қарздорлиги ҳақида тилхат олишга эришган. И.Неъматова даввогарга ана шу апрел ойининг охири саналарида у билан ҳисоб-китоб қилишга ваъда берган. Аммо белгиланган муддат ўтса-да, сўзининг устидан чиқмаган. Шундан сўнг А.Мансуров судга мурожаат қилган.

Қисқаси, суд даввогар А.Мансуровнинг даввосини қаноатлантирди. Жавобгар И.Неъматовадан унинг фойдасига 1 миллион 568 минг сўм асосий қарзни ундиришга қарор чиқарди.

Ғолибжон ВОХИДОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг раиси

Muloqot

— Қўшним ўзбошимчилик билан биз яшаётган уйнинг остиде цех очди. Айтинг-чи, қўшнимнинг бу хатти-ҳаракатлари қонунийми?

Э.ТўРАЕВ,
Пахтачи тумани

— Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 январдаги қарорига мувофиқ қабул қилинган «Қўп квартиралы уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 11-бандига асосан жойни ўзбошимчилик билан қайта қурган ва қайта жойлаштирган, балкон ва пешайвонларни бошқа мақсадда қайта жиҳозлаган, қайта жойлаштирган ёхуд қўшимча равишда санитария-техник қурилмалар ва бошқа қурилмаларни ўрнатган кўп квартиралы уйда жойлашган яшаш учун мўлжалланмаган жойнинг мулкдори (ижарага ва арендага олувчи) ваколатли давлат органининг ёки суднинг талабига кўра етказилган зарарни қоплаган ҳолда ушбу жойни ўз ҳисобидан олдинги ҳолатига келтиришга мажбуридир.

Саволга юридик фанлари номзоди Саломат НИЕЗОВА жавоб берди.

Газетхон савол беради...

Hikmat

Islohot va samara

Донолар дейдиларки

Одамга болаликдан сингдирилган оғатлар ёш дарахт танасига ўйиб ёзилган ҳарфларга ўшайдики, улар дарахт билан бирга ўсади, тана кўяди, унинг ажралмас қисмига айланиб қолади.

Болаларнинг мурғак қалбига ҳеч бир нарса ибратдех кучли таъсир этмайди ва барча ибратлар ичида эса ота-она ибратидан кўра чуқурроқ ва мустаҳкамроқ ўрин оладиган ибрат йўқ.

Бемиянат қилинган эзгулик энг мақбул ва гўзал эзгуликдир.

Виждон яхшиликни ёмонликдан ажратувчи қозидир.

Ҳаққонийлик ҳамма жойда, айниқса, тарбия масаласида энг муҳим омилдир.

Насихатгўйлик билан яхшиликка етишиш қийин, ўрнак кўрсатиш орқали эса осон.

Замонавий уй-жойлар кўпаймоқда



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)
Шунингдек, ушбу янги массивларда бугунги кун талабларига жавоб берадиган ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникация тизимлари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари бунёд этилаётган. Жорий йилда ҳам вилоятнинг 12 туманидаги 19 қишлоқ аҳоли массивида 900 уй-жой қурилиши якунига етказилаётган.

— Бу йилги қурилиш ишлари Президентимизнинг 2012 йил 14 январда қабул қилинган «2012 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни қуриш Дастури тўғрисида»-ги қарори асосида амалга оширилмоқда, — дейди «Қишлоққурилишбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки Самарқанд минтақавий филиали бошлигининг ўринбосари Шерзод Сувоқулов. — Ўзбекистон Республикаси билан Осий тараққиёт банки ўртасида тузилган битимга мувофиқ, жорий йилдан ушбу банк «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» кўп траншли дастури асосида «Қишлоқ қурилиш банк» орқали мазкур қурилишларни молиялаштиришни бошлади. Бу эса, қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектуравий-режлаштириш кифасини

янада яхшилаш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини якка тартибдаги уй-жойларни намунавий лойиҳалар асосида қуриш кўламини кенгайтириш ҳисобига ошириш, қишлоқда ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Жорий йилдан намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар учун фуқароларга кредит ажратиш механизмлари анча такомиллаштирилиб, кредит олувчиларга берилмаётган имтиёзлар кўпайди. Мисол учун шу пайтгача кредитни қайтаришда имтиёзли давр 6 ойни ташкил этган бўлса, бу мuddат эндилқда бир йил этиб белгиланди. Авваллари кредит олишда биргаликдаги қарздорлар тоифасига фақат оила аъзолари киритилар эди. Энди эса, доимий иш жойи ва даромад манбаига эга бўлган ҳар қандай шахс имтиёзлари равишда шерик қарздор сифатида расмийлаштирилиши мумкин. Бундай имтиёзлар, айниқса, ёш оилалар учун жуда катта имкониятлар яратмоқда. Чунки ёш эр-хотиннинг даромади ҳисобланаётганда уларнинг маблағи кредит фоизи ва асосий суммаси қай-

тарихга етмаса, биргаликда қарз олувчилар моддий ёрдамидан фойдаланишлари мумкин. Энг муҳими, банк кредит ҳисобига қишлоқ жойларда намунавий лойиҳа асосида якка тартибдаги уй-жой қураётган жисмоний шахснинг ипотека кредити ва фойзалар сўндирилиши учун йўналтирилган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар суммаси даромад солиғига тортилмайди.

Ана шундай афзалликлар намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойларнинг ҳар томонлама қулайлиги ва халқимиз миллий турмуш тарзига мос ҳолда бунёд этилаётгани боис уйлarga талабгорлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Айни пайтда бу йил қурилаётган уй-жойларнинг барчаси ўз эгасини топиб, уй-жой нарҳининг 25 фоизи микдоридagi бошланғич бадални тўлаб бўлишди. Ўз навбатида уй-жойлар қурилишида қатнашаётган тўқсонга яқин қурилиш ташкилотлари «Қишлоқ қурилиш инвести» ихтисослаштирилган шўба инжиниринг компанияси орқали 61 миллиард сўмга яқин маблағ билан молиялаштирилди. Ушбу йўналишдаги ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

— Қурилиш қилаётган кишиларнинг ўз ишидан қолиб, гоҳ бозорга, гоҳ усталар ортидан югурганига кўп гувоҳ бўлганмиз, — дейди тадбиркор Насимжон Санақулов. — Бу уйлarning эса, тайёр ҳолатда қалитини оласиз. Ҳовлини ўраш, дарвоза қуриш ва бошқа юмушларнинг барчаси бир вақтнинг ўзидa бажарилмоқда.

Шу кунларда вилоятда жорий йилги қурилиш ишларини ўз вақтида якунлаш, уйлари эгаларига ўз вақтида топшириш юзасидан зарур чора-тадбирлар қурилмоқда. Айни пайтда келгуси йилда 25 массивда бунёд этиладиган яна 900 уй-жой учун бюрутмалар қабул қилиш, қурилиш ташкилотларини аниқлашга тайёргарлик кўриломоқда. Фуқаролар эса, янги уй-жойлар учун «Қишлоқ қурилиш банк»нинг «Қурилишга бошланғич бадал» омонатига ўз маблағларини қўймоқдалар.

Ғолиб ҲАСАНОВ

Бу жонзотни одамлар ҳали ўн бешинчи асрадаёқ кўлга ўргатиб, хонадонларида сақлашган. Айниқса, Мисрда улар ёрдамида кийик ва бошқа жониворларни овлашда фойдаланиб келинган. Ўша пайтларда ов ишқибозлари орасида қоплон ёрдамида ов қилиш яхшигина урф бўлган.

Sirlı olam



ТАБИАТНИНГ НОЁБ ЖОНЗОТИ

Чунки бу жонзот ёрдамида ов қилиш кишига нафақат завқ-шавқ бағишлаган, балки овчининг ови бароридан келишига кафолат ҳам бўлган. Аслида ҳам, қоплон чакқон ва абжирлиги билан ҳар қандай ўлжани бир зумда тутиб ола биларди. Шунинг учун айнан ўша пайтларда Ҳиндистоннинг бой хонадонларида ҳатто би нечта қоплонлар кўрқич вази фасини ўтаган. Қоплоннинг энг ўзига хос жиҳати унинг ўткир тиш-тирноғи эмас, балки ҳайратомуз тез югуришидир.

Ҳақиқатан ҳам, агар очиқ майдонда турли жониворларни пойгага қўйиш иложи бўлса, ҳеч шубҳасиз, биринчи ўрин айнан қоплонга насиб этади. Зотан, бу хушбичим жонзот соатига 60-70 километр тезликда югура олади. Ўлжага ташлаш вақтида эса, у янада шиддат билан «учиб» бораркан, ҳал қилувчи лаҳзада тезлик кўрсаткичи рекорд натижа — 110-115 километргача етади.

Қоплонлар бундан бир неча юз йил илгари Африка, Ўрта Осий, Ҳиндистон ярим ороли фарбигада дашту биёбонларда эмин-эркин яшаган. Афсуски, кейинчалик одамлар қоплонларни чиройли холдор териси учун ов қилишган. Ана шундай овлар чоғида эса, одамлар бу жониворнинг ажойиб хусусиятлари борлигини аста-секин кашф эта бошлашди. Буни қарангки, қоплонлар жуда тез югуриш, ўлжага яқин тезлигида ташлаш, ўлжани маҳорат билан беркиртиб, ордан анча вақт ўтгач ҳам уни сира қийналмай топа олиш қобилиятига эга экан. Кейинчалик қоплонларнинг ҳаётини синчковлик билан кузатган олимлар улар бошқа ёввойи жонзотларга ўхшаб хуркак эмас, одамларга нисбатан ишонувчан, кўлга, турли машқларга ўрганишга қобилияти деган хулосага келишади. Шу боис ҳам қоплонлар кейинчалик уй жонзотлари каби кўлга ўргатила бошланди. Масалан, Бобурийлар авлодининг ёрқин вакили Акбаршоҳ саройида жуда кўп овчи қоплонлар сақланиб келингани ҳақида маълумотлар бор.

Таъкидлаш жоизки, қоплонлар нафақат одамлар, балки уларнинг хўжалиги учун ҳам безарар жонзот саналади. Масалан, Африка табиятини чуқур ўрганиб чиққан тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, ҳали бу мамлакат тарихида қоплоннинг одамга ташлаши билан боғлиқ бирорта ҳам ходиса қайд этилмаган.

Энди яна ов мавзусига қайтадиган бўлсак, қоплонлар билан ов қилишни ташкил этиш, энг аввало, бу жониворнинг ўзини кўлга олишдан бошланган. Булунг учун ёввойи жониворларни овлашдаги деярли барча тузоқ турларидан фойдаланилган. Асирга олинган жониворларнинг кўп қисми майиб-мажруҳ бўлиб ҳалок бўлган. Соғлом ва ҳеч қандай туғма камчиликка эга бўлмаган қоплонлар эса, аста-секин кўлга ўргатилиб, ов итлари ва отлар билан таништириб борилган. Уларни, шунингдек, турли транспорт воситаларида ўтиришга, ҳатто чавандознинг эгари орқасига ўрнатилган махсус тахачанинг устида эгарга маҳкам ёпишиб ўтиришга ҳам ўргатишган. Овда ўлжага имкон қадар яқин келиб олиш қоплонни эгалари ўлжа томон имо қилиб, ипдан бўшатиб юборишган. Шундан кейин ўз табиий инстинктларига амал қилган ҳолда қоплонлар ниҳоятда тезликда вазиятга мослашиб, берилган топшириқни шиддат билан бажаришга тушади ва шу лаҳзанинг ўзидаёқ ўлжа ортидан югуриб кетади. Антилопа ёки бошқа жониворга етиб олиш билан қоплон кучли зарб билан уни оёқдан йиқитади ва шартта бўзгига ўткир тиш солади.

Афсуски, тўтқунликдаги қоплонлар камдан-кам ҳолларда насл қолдиради. Ҳайвонот боғларида сақланадиган қоплонлар ҳаётида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Аслида она қоплон ўз ҳомиласини 93-95 сутка давомида кўтариб юриб, 1-4, кўп ҳолатларда 2-3 тагача болаларни дунёга келтиради. Қоплон болалари кўзлари юмук, сарик туклар билан қопланган ва танаси бир хил катталикдаги қора доғ-холчалар билан қопланган тарзда туғилади. Шунингдек, эндигина дунёга келган қоплончалар чигирткининг чириллаши янглиғ фалати тарзда чирқиллаб туришади. Шунга қарамай, бир ярим ёшга етган жажжи қоплончалар онасидан ажралиб, мустикал ҳаёт кеçира бошлади. Улар она сутини уч-тўрт ойгача эмиб юришса-да, гўш билан озиқланишни 35-40 кунлигидаёқ эплай олади.

Бир сўз билан айтганда, қоплонлар табиатнинг ноёб жонзотларидан бири. Уни асраб-авайлаш табиатнинг яхлитлигини асраш деган маънони афғлатади.

Интернет материаллари асосида Дилфуза КҶЗИЕВА тайёрлади.

Burch va mas'uliyat

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳар биримизнинг зиммамиздаги бурчдир

Ҳаётда ҳар бир ишда тартиб-интизомга қатъий риоя этиш муваффақият гарови саналгани каби автомашина бошқаришда, йўлларда ҳоҳ ҳайдовчи, ҳоҳ пиёда сифатида ҳаракатланишда ҳам белгиланган йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш турли кўнгилсизликларнинг олдини олади. Зотан, ҳайдовчининг ҳам, йўловчиларнинг ҳам йўлларда ҳаракатланиш қоидалари бор.

Маълумки, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ этиш жараёнида транспорт воситаларини бошқариш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар ҳам изчиллик билан такомиллаштириб келинмоқда. Бу фикрнинг исботини 2011 йилнинг 26 апрелидан амалга киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ги қонун мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ушбу қонун асосида амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг ўттизгача яқин моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши амалдаги йўл ҳаракати хавфсизлигининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга, шу асосда фуқаролар ҳаёти ва соғлигини асрашга, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Энди фикримизни транспорт воситалари билан боғ-

лиқ судларда мазмунан қўрилган маъмурий ишлар мисолида давом эттирсак.

Шу йилнинг 19 июн куни Э.Мансуров қайнуқаси Б.Воҳидовга тегишли «РАФ» русумли микроавтобусни ҳужжатсиз ҳайдаб чиқади ва йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш лозимлигини унутиб қўяди. Яъни «Жиззах-Форрш» йўлида қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиб келаётган фуқаро З.Бобоёров бошқарувидagi «Ваз-2106» русумли автомашинага йўл бермаслиги натижасида унинг оғир тан жароҳати олишига сабабчи бўлади.

Э.Мансуров бу ҳаракатлари билан Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этади. Суд мажлисида Э.Мансуров айбига иқдор бўлиб, қилишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини ва у билан ярашганини баён қилиб, кўрсатма берди. Шунингдек, З.Бобоёров ҳам унинг фикрини тасдиқлаб, ўзаро ярашиб олишганини, Э.Мансуровга нисбатан даъвоси йўқлигини, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Суд айбланувчига нисбатан қўрилган жиноят ишини Жиноят кодексининг 66-моддаси асосида тугатиш учун монёвий қиладиган ҳолатлар мавжуд эмаслигини ҳисобга



олиди. Ярашганлик тўғрисидаги аризаларни қабул қилиб, айбланувчи Э.Мансуровни жиноий жавобгарликдан озод қилди ҳамда жиноят ишини иш юритувдан тугатиш тўғрисида ахрим чиқарди.

Гувоҳи бўлгангиздек, қонунларимизда бағрикенглик, инсонпарварлик тамойилларининг жорий этилиши туфайли хатосини чин дилдан англаб етган ва жабрланувчига етказилган зарарни қоплаб, кеçириб сўраган инсоннинг тақдирини судда яхшилик билан яқун топди. Энг муҳими, оила бошлиғи, бир фарзанднинг отаси Э.Мансуров жиноий жавобгарликдан озод этилиб, ўз оиласи бағрига қайти.

Шу ўринда йўл ҳаракати

сининг тезлигини тўлиқ тўхтатишни таъминлайдиган даражада қайтариш ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини қўриш керак», дея белгиланган талабларини қўпол тарзда бузади. Бунинг оқибатида, у бошқараётган «КА-МАЗ» русумли автомашина А.Хўжакулов бошқарувидagi «Нексиа» автомашинаси билан тўқнашиб кетади. Оқибатда А.Хўжакулов ва машина саломида ўтирган йўловчи Т.Ҳайитмуродов ҳаётдан кўз юмади. Ж.Қурбонов эса, оғир тан жароҳати олади.

Суд судланувчи Н.Саимовни Жиноят кодексининг 266-моддаси 3-қисми «а» банди билан айбдор деб топиб, унга нисбатан уч йил мuddатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан ва тегишли мuddатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм чиқарди.

Жаҳонгир ТУРҒУНБОВ, жиноят ишлари бўйича Жиззах тумани судининг раиси

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Бўритош МУСТАҒОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Мавжуда РАҲАБОВА
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Омонбой ОҚУЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор
ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод
ҲАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди.

Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилнинг: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Бюуртма: Г-1216. Қорғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ,
Сотувада эркин нарҳда. Адади: 5836.
1 3 4 5 Топшириш вақти: 21^р Топширилди: 22^р